


«ТАСДИҚЛАЙМАН»



«Норин тумани Халқ таълими
бўлими» рахбари

Ж.Нурмухаматов

2022 й

БУЮРТМАЧИ:

«НОРИН ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМ БЎЛИМИ»

Халқ таълими бўлимига қарашли барча умумтаълим
мактабларни дезинфекция ишларини бажариш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Наманган шаҳри -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Норин тумани халқ таълими бўлимига қарашли тумандаги барча умумтаълим мактабларида дезинфекция, Дезинсекция, Пашшага қарши кураш, СДУ канотли пашша, СДУ канотли пашша гумбаги, Дератизация ишларини бажариш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати 143039000 (**Бир юз қирқ уч миллион уттиз туккиз минг**) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 9 ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “**Норин тумани халқ таълими бўлими**” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160400, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Норин тумани, Хаққулбод шаҳри, 1уй

Эл.адрес: norin_thtb@uzedu.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Норин тумани халқ таълими бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИШИ ШАРТ БУЛГАН ХУЖЖАТЛАР РУЙХАТИ:

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга дезинфекция фаолияти билан шугулланувчи субъектларга Ўзбекистон Республикаси СаН Пин №0291-11 гигиеник талабларига жавоб беришини тасдиқловчи хужжатлар ва хизмат кўрсатиш бйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг 100 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (100 фоиздан кам бўлмаган холда);

-Хизмат кўрсатувчининг тасарруфида давлат стандартлари асосида жихозланган тиббий хизмат автотранспорт воситаси билан таъминланган бўлиши;

- Хизмат кўрсатувчининг ушбу соҳада тажрибаси камида 5 йил ва охириги 5 йил мобайнида бажарган ишлари тўғрисида маълумот.

- Иш жараёнини сифатли бажариш учун хизмат кўрсатувчининг моддий техник базаси ва захирадаги дез воситалари хақида маълумот.

-Йил мобайнида мактабларда юқумли касалликлар ёки заарқуранда кемирувчилар аниқланганда шартномадан ташқари қўшимча хизматларни тезкорлик билан олиб боришни таъминлаш.

- Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

Таклиф этилаётган хизмат курсатиш ишларининг нархлари алоҳида таклиф хатларида курсатилиши ва оферта хужжати билан биргаликда мухирланган холда булиши.

Берилган таклиф мурожатномаларида қорхонанинг тулик юридик манзили, банк ва солиқ реквизитлари, алоқа телефонлари ва бажарилган ишларга кафолат берилиши юзасидан тасдиқланган кафолат хати.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Норин тумани халқ таълими бўлимига қарашли тумандаги барча умумтаълим мактабларида дезинфекция, Дезинсекция, Пашшага қарши кураш, СДУ канотли пашша, СДУ канотли пашша гумбаги, Дератизация ишларини бажариш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Норин туманидаги 43 та умумтаълим мактаблари
2	Буюртмачи	Норин тумани халқ таълими бўлими
3	Буюртма учун асос	Норин тумани халқ таълими бўлимига қарашли тумандаги барча умумтаълим мактабларида дезинфекция, Дезинсекция, Пашшага қарши кураш, СДУ канотли пашша, СДУ канотли пашша гумбаги, Дератизация ишларини зарурляти.
4	Объектнинг жойлашган манзили	Норин тумани
5	Катнашувчи учун талаблар	Норин тумани халқ таълими бўлимига қарашли тумандаги барча умумтаълим мактабларида дезинфекция, Дезинсекция, Пашшага қарши кураш, СДУ канотли пашша, СДУ канотли пашша гумбаги, Дератизация ишларини тез муддатда ишларини бажариш.
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг ҳар ойлик график асосида шартнома белгиланган нархлар ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан 3 ой учун тахминан 143039000 (Бир юз кирик уч миллион уттиз туккиз минг) сўм сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил март ойидан бошлаб ҳар ойнинг сўнги кунига қадар бажаради 2022 йил 31 декабргача
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қондаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молияташтираш манбаи	Норин тумани халқ таълими бўлимининг бюджет маблағлари ҳисобидан.

Комиссия аъзоси

Х.Махкамов

Комиссия аъзоси

М.Дехқонов

Комиссия аъзоси

Ш.Жўраев

Комиссия аъзоси

Ш.Ўсаров

Котиба

О.Омонова